

**Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Абдиевнинг фаолият
самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг
АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ**

*(солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, солиқ солиши методологияси
масалалари)*

Солиқ мажбуриятига эга бўлган юридик шахслар томонидан солиқ ҳисоботларини топширилишини мониторинг қилиб бориш.

2021 йил ІҮ чорак ва ноябрь ойи учун ҳисобот топшириш мажбуриятига эга бўлган юридик шахслар томонидан қўшилган қиймат солиги, акциз, фойда, айланмадан олинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботларини тақдим қилиниши таҳлил қилингандаги қўйидагилар аниқланди.

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботини республика бўйича 298,6 мингта корхонанинг 6,5 мингтаси (2,2%) тақдим қилмаган.

Худудлар кесимида **Тошкент шаҳар, Самарқанд, Сурхондарё** вилоятлари ва **Қорақалпоғистон** республикасида ушбу ҳисоботни топширилиши энг паст даражани ташкил қиласди.

Шунингдек, **Республика бўйича 32 та туманда ҳисобот топширмаган корхоналар 3 фоиздан кўпни ташкил қиласди.**

Жумладан, **Тошкент шаҳрида 8 та** (*Чилонзор, Юнусобод, Яккасарой, Миробод, Сирғали, Яинобод ва Олмазор туманлари*), **Самарқандда 6 та** (*Пайарик, Итиҳон, Пастдарғом, Кўширабот туманлари ҳамда Каттақўргон ва Самарқанд шаҳарлари*), **Фарғонада 5 та** (*Сўҳ, Кўштепа, Фурқат, Дангарा ва Ўзбекистон туманлари*), **Қорақалпоғистон Республикасида 5 та** (*Шуманай, Кўнгирот, Амударё туманлари, Нукус шаҳар ва Тахтакўпир тумани*), **Сурхондарёда 4 та** (*Термиз шаҳар, Сариосиё, Қумқўргон ва Жарқўргон туманлари*), **Намангандаги 3 та** (*Намангандаги тумани, Тўракўргон ва Косонсой туманлари*), **Қашқадарёда** (*Қарши тумани*) **Тошкент вилоятида** (*Олмалиқ шаҳар*) **1 тадан** туман ва шаҳарлардан ҳисобот топширмаган корхоналар сони **3 фоиздан кўп**.

2021 йил ІҮ чорак ва ноябрь ойи учун **ҚҚС бўйича** ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **143,7 мингта** корхонадан **1,153 таси (0,8%)** ҳисобот тақдим қилмаган.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида 103 фоиз (**11,6 мингтадан 103 таси**), Қорақалпоғистон Республикасида 0,9 фоиз (**6,1 мингтадан 52 таси**), Самарқанд вилоятида 0,8 фоиз (**9,3 мингтадан 74 таси**), Фарғона вилоятида 0,8 фоиз (**8,5 мингтадан 64 таси**), Андижон вилоятида 0,8 фоиз (**7,5 мингтадан 60 таси**), Сурхондарё вилоятида 0,8 фоиз (**6,7 мингтадан 55 таси**) ва Сирдарё вилоятида 0,8 фоиз (**2,3 мингтадан 19 таси**) корхона ҚҚС ҳисоботини тақдим қилмаган.

Фойда солиги бўйича ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **138,1 мингта** корхонадан **2,3 мингтаси (1,7 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

Энг ёмон аҳвол Тошкент шаҳрида 3,1 фоиз (**28,2 мингтадан 877 таси**), Сурхондарё 2,4 фоиз (**7,4 мингтадан 180 таси**), Андижон 2,2 фоиз (**8,8 мингтадан 190 таси**) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 2,2 фоиз (**7,2 мингтадан 161 таси**) корхона фойда солиғи бўйича ҳисобот тақдим қилмаган.

2021 йил **ноябрь ойи** учун **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** ҳисоботини топшириш мажбуриятига эга бўлган **420,6 мингта** юридик шахслардан **9,3 мингтаси (2,2 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

Шунингдек, Республика бўйича 184 та туман ва шаҳарларда ҳисобот топширмаган корхоналар 2 фоиздан кўпни ташкил қиласди.

Жумладан, Тошкент вилоятида 21 та, Фарғонада 19 та, Қорақалпоғистон Республикасида 12 та, Андижонда 16 та, Самарқандда 16 та, Сурхондарёда 15 та, Қашқадарёда 14 та, Бухорода 13 та, Наманганд 12 та, Сурхондарёда 12 та, Жиззах ва Навоий вилоятларда 11 тадан, Тошкент шаҳрида 12 та туман ва шаҳарлардан ҳисобот топширмаган корхоналар сони **2 фоиздан кўп**.

2021 йил ноябрь ойи учун **акциз солиғи** бўйича ҳисобот тақдим этиши лозим бўлган **4,4 мингта** корхонадан **6 таси (0,1%)** ҳисоботни тақдим қилмаган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида **306 тадан 5 таси (1,6%)** ва Тошкент ашаҳрида **231 та** корхонадан **1 таси (0,4%)** акциз солиғи ҳисоботини тақдим этмаган.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **1 909 та** корхонадан **164 таси (8,6%)** ҳисобот тақдим қилмаган.

Энг ёмон аҳвол, Тошкент вилоятида **255 тадан 48 таси (18,8%)**, Андижон ва Жиззах вилоятларида **96 тадан 13 таси (13,5%)**, Сурхондарёда **143 тадан 16 таси (11,2%)**, Қашқадарё вилоятида **204 тадан 20 таси (9,8%)**, Хоразм вилоятида **137 тадан 13 таси (9,5%)** ва Қорақалпоғистонда **145 тадан 13 таси (9%)** ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботини тақдим этмаган.

Солиқ қонунчилиги нормаларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориши.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сон Қонуни билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва солиқ имтиёзлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Жумладан, ушбу Қонун билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар бўйича Кўмита томонидан “Ўзбекистон - 24” телеканалида ва “Ўзбекистон” радиосида чиқишлилар қилинди.

Шунингдек, қарорлар ижроси юзасидан Қўмитанинг ижтимоий тармоқлардаги (телеграм, фасебоок, инстаграм, твітер) сахифаларига маълумотлар жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ти 2021 йил 30-декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунининг мазмун ва моҳиятини ҳамда унда

белгиланган маҳаллий давлат органларининг ваколатлари ва мажбуриятларини фуқароларга, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бухгалтерларига етказиш бўйича Тошкент шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятида семинарлар ташкил этилди.

Ижтимоий тармоқлар орқали йўлланган 82 та саволларга тезкор жавоблар тайёрлаб, муалифларга етказилди. Бундан ташқари, Қўмитага келиб тушган 192 та солик тўловчиларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, муалифларга жавоб хатлари юборилиши таъминланди.

Ўзини ўзи банд қилган ходимларни солик органларида ҳисобга олиш.

Аҳолини тадбиркорликка янада кенг жалб қилиш орқали ўзини ўзи банд қилган шахсларни солик органларида ҳисобга олиниши юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида ўтган 2022-йил давомида **71,2 минг нафар** фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солик органларида ҳисобга олиниши таъминланди.

Жумладан, Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар (*Уйда репетиторлик қилиши, болаларга қараб туриши ва уларни парвариши қилиши, уй хўжалигини юритиши, хоналарни тозалаш, ҳалқ табобати, ҳамиширалик иши*) **7,6 минг нафар**, Саноат йўналиши бўйича хизматлар (*Ёзоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаҷ ишлари, макулатура, пластик идии, темир терсак тўплаши ва қўшимча хомашё тўплаши*) **20,6 минг нафар**, Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар (*Чорва молларини ўтлатиши, уларни парвариши қилиши, қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиши ва парвариши қилишида томорқа эгаларига ёрдам бериши*) **24,7 минг нафар**, Ахборот комуникатсия йўналиши бўйича хизматлар (*Ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтиларни ишлаб чиқиши, матнни яратиши ва ишлов бериси*) **1,3 минг нафар**, Маший хизматлар (*Сартарошлиқ, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиши ва дазмоллаши, калитлар тайёрлаши, поябзал тикиши, таъмирлаши ва бўяши хизматлари*) **12,6 минг нафар**, Ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши (*Нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар, айрон, гўжса ҳамда дечқон бозорлариниша қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиши*) **4,3 минг нафар** аҳоли бандлиги таъминланди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 1-феврал ҳолатига **41,9 минг нафар** аҳоли томонидан **11 006,2 млн.сўм** ижтимоий солик суммаси тўлаб берилган.

«ижро.гов.уз» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конун лойиҳасини (ИД-49698) Адлия вазирлиги билан келишиш учун юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Трансферт нархини белгилашда солик назорати ва норезидентларнинг солик солиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида” қарор лойиҳаси (ИД-29758) Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конуни лойиҳасини (ИД-44057) Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича холосаси олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солик тўловчиларни хисобга (рўйхатга) олиш соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг айrim маъмурӣ регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ИД-22578) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Бош вазирга имзога киритиш учун тайёрланди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солик маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги лойиҳани ДСҚ марказий аппаратида муҳокама қилинди.